



2020 йил 12 октябр

1160-Қ - sonli

Ishtixon sh.

“Бойлата” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқоро Турсунов Эрмаматга “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун 0,036 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларда суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №167-сонли қарори ҳамда низоми ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-23-моддаларига ва “Бойлата” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқоро Турсунов Эрмаматнинг туман ҳокими номига “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқоро Турсунов Эрмаматга Иштихон тумани “Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўйли аҳоли массивидаги 472-рақамли контурда жойлашган 0,036 гектар ер майдонида “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриб фойдаланиши учун 30 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (А.Мурадов)га “Енгил конструкцияли иссиқхона” қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

4. Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси туман филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Игамкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов